

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 255 (1044), 2023 йил 7 декабрь, пайшанба



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРГИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Қирғизистон Президентини таваллуд куни билан самимий қутлаб, унга мустақкам соғлиқ, фаровонлик ва катта муваффақиятлар, қардош қирғиз халқига тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади.

Мулоқотда икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди, бўлажак тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Этафчилар мустақкам дўстлик ришталари, яхши қўшничилик ва

стратегик шериклик алоқаларига асосланган Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари бугун юқори суръатда ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Турли даражаларда фаол мулоқотлар ва самарали алмашинувлар давом этмоқда. Товар айирбошлаш ҳажми ошмоқда. Машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда қўшма кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон —

Қирғизистон фондининг фаолияти доирасида 11 та истиқболли бизнес лойиҳаси молиялаштирилди.

Худудлараро ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашиб, инфратузилмавий лойиҳаларни жадаллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ МУРОЖААТИ

Азиз фермерлар, деҳқон ва томорқачилар, сувни тежаш ва қадрлан!

Қишлоқ хўжалигида сувни тежаш, ундан мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликка барҳам бериш орқали биз нафақат бугун халқимиз ҳаётининг янада фаровонлашишига ҳисса қўшамиз, балки келгуси авлодлар олдидagi энг олий бурчимизни ҳам бажарган бўламиз.

Сувни ҳар қим ўзи учун, келажак авлодлар учун тежаш лозим!

Мамлакатимизда сувнинг 91 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланади. Унинг атиги бешдан бир қисми юртимизда шаклланади, қолгани эса қўшни давлатлар худудидан оқиб келади. Марказий Осиёдаги жами сув захираларининг 45 фоиздан ортиғи ўлкаимизда ишлатилади.

**Азиз ҳамкасблар!**

Глобал иқлим ўзгаришлари, минтақада ёгингарчилик микдори йилдан-йилга камайиши сув ресурсларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бундан 30-35 йил олдин мамлакатимизда фойдаланиладиган йиллик сув микдори 62-64 миллиард метр куб атрофида бўлган, ҳозир бу кўрсаткич 51-52 миллиард метр кубга тушиб қолди. Агар вазият шу тарзда давом этарэса, яқин йилгига йилда икки йирек дарэ — Амударэ ва Сирдарэ оқими ҳозиргидан 15 фоиз қисқариши, аҳоли жон

бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоиз, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик 40 фоиз тушиб кетиши мумкин. Ҳисоб-ки-тобларга кўра, **Марказий Осиёнинг айрим худудларида 2040 йилга бориб, сув ресурсларига эҳтиёж уч баробар ошади.**

Давлатимиз раҳбари сув тақчиллиги оқибатлари Марказий Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни юзага келтириши муқаррарлигини ҳисобга олган ҳолда, нуфузли халқаро анжуманлар, вилоятларга ташрифларида мақкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, сувни тежаш ва самарали фойдаланишга даъват этаётгани бежиз эмас.

Аграр соҳанинг ривожини бевоҳида агротадбирларни ўз вақтида ўтказиш билан бирга, қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, ишчи ҳолатини сақлаш, ҳосилдорликни ошириш ҳамда сув ресурслари таъминотига боғлиқ.

Мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий этиш, очик майдонлар, бог-ток қатор оралари ва томорқа ерларида тўқсонбости экинлари етиштиришни кўпайтириш, экин майдонлари ва экинлар таркибини иқлимга мослаб оптималлаштириш, илгор агротехнологияларни жорий этиш чоралари кўриломқда. Бу жараёнда **Ўзбекистон**

**фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ўрни муҳимлигини эътироф этиш зарур.** Кенгашининг барча бўғиндаги раҳбар ва ходимлари ҳамда Бухгалтерия марказлари вакиллари аниқ ва ишончли маълумотларга асосланган ҳолда сувдан фойдаланишдаги муаммо ва камчиликларни таҳлил қилиш асосида тегишли хулоса ва тақлифларни фермерлар, деҳқон ва томорқачиларга мунтазам равишда етказиб боради.

**Хурматли фермерлар, деҳқонлар, богбон ва томорқачилар!**

Сув исрофининг энг катта қисми айнан қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Юртимиздаги суғориш тармоқларининг ярми бетонланмаган, яъни турпоқ ўзани ариқ ва каналлардан иборат бўлгани боис, катта микдорда сув йўқотилмоқда.

Мамлакатимиздаги суғориладиган майдонларнинг 60 фоизига 1680 дан ортиқ насос станцияси ва 4 миндан кўпроқ суғориш қудуғи орқали жуда катта маблағ ва саъй-ҳаракатлар эвазига сув етказиб берилди. Сув хўжалиги соҳасига ажратилган 10 триллион сўмнинг 63 фоизи насос станцияларининг электр энергиясига сарфланади. Аён бўладики, **сув текин эмас, арзон ҳам эмас!**

▶ Давоми 2-бетда



Жорий йил 30 апрель куни бўлиб ўтган умумхалқ референдумида халқимиз ўзининг юксак сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқарашини намоён этиб, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яқдиллик билан қабул қилди. Бош қонунимизда мамлакатимиз ривожланишининг сиёсий-ҳуқуқий асослари яратилиб, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари ҳимоясининг кафолатлари мустақкамланди.

Айни кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб Бош қонунимиз қабул қилинган сана муносабати билан "Конституция — халқчил давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилляпти.

### Иқтисодий ислохотларнинг мустақкам асоси

Янги Конституцияимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қуриш билан боғлиқ ўзгаришлар алоҳида жиҳат сифатида акс эттирилди. Жумладан, ижтимоий давлат тамойилига оид нормалар янада мустақкамланиб, сифатли

таълим ва тиббий хизмат, фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлаш, муносиб меҳнат шариоити ва адолатли иш ҳақи тизimini яратиш, ишсизликдан ҳимояланиш, уй-жойга эга бўлишга қаратилган қоидалар киритилди. Бир сўз билан айтганда, Конституция жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан бир қадам олдинда бўлиши амалда таъминланди.

Мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириш, фаровонлиқни таъминлаш, инсон қадрини улуглашга қаратилган ортга қайтмас ислохотларнинг ҳаётбахш мақсадларидан келиб чиқиб, барча соҳалар қатори иқтисодий соҳада ҳам ўта муҳим ва

шидатли ислохотлар олиб бориляпти. Иқтисодий тизим тўлиқ қайтадан тақомиллаштирилди, янги бозор механизмлари амалиётга жорий этила бошланди.

Халқимиз тўла қўллаб-қувватлаган Конституцияимизга ҳам барча мулк шакллариининг тенглиги ва уни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш бўйича қатор нормалар киритилди.

▶ Давоми 3-бетда

## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 334 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 34 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 249 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 6 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 45 нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 18 нафарини чет эл фуқаролари, 23 нафарини аёл, 15 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда 88 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

▶ Давоми 2-бетда

### КОРРУПЦИЯСИЗ КЕЛАЖАК САРИ

## ОРТГА ҚАЙТМАС ТУС ОЛГАН ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАР

халқимиз орзу қилган очик ва адолатли жамият, қудратли давлат барпо этишга замин бўлади



Коррупцияга қарши анъанавий усуллар билан курашиш бугун етарлича самара бермаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис, давлат ва жамият бошқарувида коррупциянинг олдини олиш, бу иллатга нисбатан мурасасизлик муҳитини шакллантириш учун давр ва тараққиёт талабига мос замонавий, таъсирчан ва кези келганда, кескин чоралар билан олдинга интиломқдамиз.

Жумладан, ўтган даврда коррупцияга қарши курашиш соҳасига бевосита тааллуқли 13 та, бошқа соҳаларда коррупция омилиларини қисқартиришга қаратилган 24 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Давлат бошқарувида бюрократияни камайитиш мақсадида амалга оширилган маъмурий

ислохотлар натижасида ижро органлари сони 61 тадан 28 тага қисқартирилиб, вазирлик ва идоралар функцияларини оптималлаштириш орқали хусусий секторга ўтказилаётган давлат функцияларини камида 3 баробар кўпайтириш белгиланди.

▶ Давоми 4-бетда

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР ЮРТДА ЮКСАЛИШ ВА ФАРОВОНЛИК БЎЛАДИ

Ўзбекистонда давлатнинг халқ иродасини ифода этиши, инсон манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъул экани конституциявий даражада мустақкамланган устувор қоидалардан бўлиб, бу бизда давлат ҳокимияти халқ иродаси билан уйғунлашганини аңглатади.

Халқ манфаатлари устуворлигини ва рўёбга чиқарилишини таъминлаш давлатимиз ва Конституцияимизнинг энг асосий вазифасидир. Буни, аввало, Бош қонунимизнинг муқаддима ва бошқа таркибий қисмларида ўз ифодасини толган адолат, маънавият, ҳақиқат ва одиллик, миллий ахлоқий қадриятлар, умуминсоний ғоялар ва тамойилларда яққол кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, Конституцияимиз 2023 йил 30 апрелда умумхалқ овоз бериш йўли орқали янги тахрирда қабул қилиниши ва мамлакатимизда барча соҳадаги ислохотлар мазмун-моҳиятига кўра инсонни улуглаш, шаъни,

кадр-қимматини ошириш ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган олижаноб мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Конституциядаги асосий меъёрлар халқпарварлик, инсонийлик тамойилларига асосланган бўлиб, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этишга, фуқароларнинг кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак. Бу аҳолининг давлат ва жамиятга

ишончини мустақкамлашга хизмат қилади.

Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртақларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.

Янгиланган Конституцияимиз ана шу эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда пойдевор вазиқларини ўтамоқда. Унда айтилганидек, "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир".

▶ Давоми 2-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

# ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ МУРОЖААТИ

Бошланиши 1-бетда

Сув катта харажат ва минг машаққат билан етказиб берилаётган шароитда томорқа ва далаларни қўллаб-қўллаб сўғориш, оқовани зовурларга ташлаб қўйиш каби салбий ҳолатларга кўз юмиб бўлмайди.

Ресурстежамкор технологиялар қўллаётганлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Айниқса, томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет усулида сўғориш, ерни лазер ускунасида текислаш оммалашмоқда. Бу орқали фермер ва деҳқонлар, кластер эгалари нафақат сувни тежаяпти, балки ҳосилдорлик ошиши ҳисобига яхшигина даромад ҳам кўрапти.

Тажрибали деҳқонлар яхши биладики, томчилатиб сўғориш далага эмас, ўсимликка сув бериш дегани. Маблағ тежаллади. Анъанавий сўғоришда ўғит сувга оқиб, зовурларда қамишни кўпайтираётган бўлса, томчилатиб сўғоришда экинларга ўғит бир хил етказиб берилиши ҳисобига ҳосилдорлик ошади.



Сиз ҳам илғорлар сафига қўшилиш! Сув зар — сувчи заргар, деган мақол бежиз айтилмаган. Қишлоқ хўжалигида заргарона маҳорат билан сувдан унумли фойдаланиш! Тежамкорликнинг замонавий усуллари қўллаб, сув беҳуда сарф бўлишига йўл қўйманг! Бу борада бошқаларга намуна бўлинг.

“Отанг мироб бўлса ҳам аригингни чуқур қазгин”, деган нақлга амал қилиб, ишни кузги мавсумида ўз худудингиздаги сўғориш тизимларини тозалаш ва бетонлашдан бошланг!

**Мухтарам пахтакор ва ғаллакорлар!** Қишлоқ хўжалигидаги сув таъминотида устуворлик пахта ва ғаллага берилади.

Обиҳаётнинг қарийб 60 фоизи ушбу экинларни сўғориш учун йўналтирилади. Шу маънода, аграр соҳада сувдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кўп жihatдан пахта ва ғаллага сарфланган сувга боғлиқ бўлмоқда.

Мавжуд сув ресурсларининг истиқболда эҳтиёжни қондира олмаслиги глобал муаммага айланиши тайин. Тежамкор технологияларни жорий этиш сувдан самарали фойдаланишдек стратегик мақсаднинг бош омили саналади. Давлат томонидан ушбу йўналишда имтиёзлар берилиб, имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, сабзавот, картошка, полиз экинлари, озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар етиштириш учун сувни тежайдиган сўғориш технологияларини жорий этган фермер хўжалиқларига субсидия ажратилади ва шу экин ерлари беш йил муддатга ер солиғидан озод қилинади, сув ҳисоблагич қўйилганда сув солиғидан 30 фоиз имтиёз берилади.

Томчилатиб сўғориш тизими ўрнатилганда ҳар гектар сабзавот, картошка, узум, озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар учун гектарига 8 миллион сўмдан, мевали экинларга 6 миллион сўм ва полиз экинларига 1,3 миллион сўм субсидия бериш белгиланган. Пахта ва ғалла майдонларига ўрнатилган сув тежовчи ускуналар учун бир йиллик имтиёзли давр билан 5 йил муддатга ҳар бир гектарга 25 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилиши кўзда тутилган.


**Қадрли юрдошлар!** Қатраси тиллодан қиммат сувни тежар эканмиз, бу мамлакатимиз иқтисодиёти, халқимиз фаровонлиги, эл-юртимиз равнақи, фарзандларимизнинг бахтли-саодатли ҳаётига қўшаётган энг хайрли улушимиз бўлади.

Сув текин эмаслиги, уни исроф қилиш эса халқимиз келажагига хиёнат билан баробарлигини унутмайлик! Сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик ҳам белгиланганини ёддан чиқармайлик! Қайта-қайта такрорланган бўлса-да, бир ҳақиқатни унуттишга ҳаққимиз йўқ: сув — энг улуғ неъмат! Ундан тежамкорлик билан фойдаланиш, ҳар бир томчисини асраб-авайлаш келажақ авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиздир!

**Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши**

# ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ЁЗГАН МЕМУАР АСАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ УЧУН АТАЛГАН НУСХАСИ ТОПШИРИЛДИ

6 декабрь куни Қозоғистон Республикаси Биринчи Президентининг матбуот котиби Айдос Укибай ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида ўтган учрашувда меҳмон давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга Қозоғистон Биринчи Президентининг салом ва энг эзгу тилакларини етказди. Шунингдек, Айдос Укибай Нурсултон Назарбоевнинг “Менинг ҳаётим. Қарамликдан озодликка” номли мемуарлар китобининг

Ўзбекистон Президентига аталган ва муаллиф дастхати туширилган нусхасини топширди.

Тарихий жараёнлар ва шахсий муносабатни ўзида мужассамлаштирган китобда Нурсултон Назарбоев ўзининг ҳаётий йўли, мамлакатнинг шаклланиши ва ривожланиши даври тўғрисидаги хотиралари билан ўртоқлашади. Республикага раҳбарлик қилган охириги ўн йилликлардаги воқеаларга баҳо беради.

Китоб қаҳрамонлари орасида муаллиф сиёсий майдонда кесишган таниқли сиёсатчилар ҳам бор. Қозоғистоннинг Биринчи Президенти давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари, бошқа машҳур шахслар билан муносабатларини тасвирлайди.

Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон етакчиси, “атоқли сиёсий арбоб Шавкат Мирзиёев”ни алоҳида қайд этади. Китобда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга ҳизмат қилаётган ислохотлар юксак баҳоланган. Қозоғистон билан ҳар томонлама алоқалар янада жадал ривожлана бошлагани, Шавкат Мирзиёев Президент сифатидаги фаолиятининг илк кунлариданоқ қардош мамлакатлар билан ҳамкорликни мустақамлаётгани мамнуният билан қайд этилди.

ЎЗА

## 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР ЮРТДА ЮКСАЛИШ ВА ФАРОВОНЛИК БЎЛАДИ

Акбар ТОШҚУЛОВ,  
адлия вазири

Бошланиши 1-бетда

Конституцияда “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” экани белгиланиши айнан халқ иродасининг ифодасидир. Зеро, ҳуқуқий давлатда барча жараёнлар қонуний асослар устига қўйилади, давлат хизматчиларидан ҳуқуқ доирасида фикрлаш, барча масалаларга ҳуқуқий кўз билан қараш талаб этилади.

Ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам қонунларга бўйсунди ва қонунларнинг муқаррар ижросини таъминлайди.

Ижтимоий давлат эса ҳар бир фуқарога муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиб мажбуриятини зиммасига олади. Бу мавжуд ресурсларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, жамиятда кучли табақаланиш авж олишига йўл қўймаслик, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт кафолатлиниши, самарали ижтимоий ҳимоя дастурлари ишлаши, имконияти чекланган ва қўлловга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, адолатли меҳнат қонунчилиги ва пенсия тизими кабиларни англатади. Оддийроқ айтганда, энг камбағал оиланинг болаларида ҳам соғ-саломат ўсиб-ўлғайиб, яхши таълим олиб, фаровонликка эришиши имконияти бўлиши керак.

Дунёвий давлатда давлат ва дин бир-бирдан ажратилган бўлиб, диний эътиқодидан қатъи назар, давлат барча инсонларга бир хил муносабатда бўлади, диний эътиқодга қараб чекловлар ўрнатилишига ёки имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди.

Янгиликдан Конституциямиз Ўзбекистоннинг ҳеч қачон демократиядан воз кечмаслиги, ҳуқуқий давлатчиликка содиқлиги кафолати ҳамдир.

Унга асосан, эндиликда инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунийликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади. Бу шуни англатадики, қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган масалаларда зиддият юзага келса, масала давлат манфаатига эмас, инсон фойдасига ҳал этилади.



Юқоридагилар билан бир қаторда янгиликдан Конституцияга халқ манфаатлари йўлида инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва кафолатларини кучайтиришга қаратилган бошқа кўплаб нормалар ҳам қўшилди.

Масалан, Ўзбекистонда ўлим жазосининг тақиқланиши, агар шахснинг ўз айбини тан олгани унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилгани ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги, қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги, ҳар ким ўз шахсига доир нотўғри маълумотлар тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга ҳилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмаган қонун маълумотларининг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга экани, давлатнинг зиммасига интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиб мажбуриятни юклатилиши ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги Конституциямиз келажаги ёруғ давлатнинг ишончли ҳуқуқий кафолати сифатида ўзида инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт тамойиллари мажмуини ифодалайди. Жамият эса у орқали демократик ҳуқуқий давлат куриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишни энг олий мақсад деб билиб, шунга интилади. Зеро, инсон манфаатлари устувор юртда тараққиёт ва фаровонлик бўлади.

Робохон МАҲМУДОВА,  
Олий суд раисининг биринчи ўринбосари

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямиз давлат бошқарувида, халқ ҳаётида кузатилаётган жиддий ўзгаришларнинг ёрқин ифодаси, юртимизнинг келажақ йўлини белгилаб берувчи қонунлар мажмуасидир.

Унга киритилган янги нормалар, белгиланган меъёрлар одил судлов соҳасида ҳам туб ўзгаришларни талаб қилади.

Президентнинг 2023 йил 8 майдаги фармонида янги таҳрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилиши, Конституция нормаларини амалга ошириш учун бошқа қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги ёки қонунларга Конституцияга мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилмаганлиги важи билан қўллашни рад этиш қатъиян тақиқланиши кўрсатиб ўтилди.

“

Президентнинг 2023 йил 8 майдаги фармонида янги таҳрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилиши, Конституция нормаларини амалга ошириш учун бошқа қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги ёки қонунларга Конституцияга мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилмаганлиги важи билан қўллашни рад этиш қатъиян тақиқланиши кўрсатиб ўтилди.

Шунинг учун ушбу йўналишда Ўзбекистон Олий суди учун энг муҳим масалалардан бири — белгиланган вазифаларни одил судловни амалга ошириш жараёнида таъминлашга қаратилди. Бунинг учун, биринчи навбатда, Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши ҳақидаги нормани ва унинг қондаларини амалиётда қўллаш борасида 2023 йил 23 июнда Олий суд Пленуми ўтказилди. Пленумда “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” қарор қабул қилинди.

Пленум қароридан судлар кўриб чиқилаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини баҳолаш ва Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаш лозимлиги асосий ғоя сифатида белгиланди.



Ҳўш, ўтган қисқа вақт ичида бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

Жиноят ишлари бўйича судларда 29 мингдан ортиқ шахсга нисбатан жами 24 мингта иш бўйича суд қарорларини қабул қилишда Конституция нормалари кенг қўлланилди. Судларда 5200 дан ортиқ шахсга нисбатан 3600 та ишни кўриб чиқишда Конституциянинг инсон шаъни

суд қароридан мазкур нормага амал қилинди. Конституция нормалари нафақат жиноят судлари, балки оммавий ҳуқуқий муносабатларга оид низоларни кўришда маъмурий судлар томонидан ҳам тўғридан-тўғри қўлланилмоқда.

Бош қонунда ҳар ким ўзининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деб ҳисобласа, ҳеч қандай тўсиқларсиз, судга мурожаат қилиш кафолати белгилаб қўйилган. Шу асосга кўра, давлат органлари билан ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар юзасидан фуқаролар маъмурий судларга 2023 йилнинг 9 ойи давомида давлат ва маъмурий органлар устидан 12 мингта яқин ариза билан мурожаат қилган, шундан 6,5 мингдан ортиқ талаб, бошқача айтганда, 60 фоиз ариза қаноатлантирилган. Эътиборлиси, маъмурий судларнинг 1,5 мингта яқин қарориди Конституциямиз нормалари тўғридан-тўғри бажарилган.

Маъмурий судлар амалиётида пенсия таъминоти кафолатлари, ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принциpig асосланиши ва қонунчиликдаги барча зиддият ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш бора-сидаги конституциявий нормалар ҳам фаол қўлланилмоқда.

Инсоннинг фуқаролик муносабатларидан келиб чиқадиган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликлари, қорхона, ташкилотлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фуқаролик ва иқтисодий суд вазифаларига кирди. Бу борада ҳам Конституцияга бир мунча янгиликлар киритилган. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини қўллаб-қувватлаш, муносиб турмуш шароитини яратиб, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги учун давлатнинг фуқаролар олдидаги ижтимоий масъулиятини кучайтиришга қаратилган нормалар мустақамланди. Илк бор ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди.

Ушбу кафолатлардан одил судловни амалга оширишда кенг фойдаланилмоқда. Фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳозирги кунга қадар 9 мингта яқин низо Конституция нормалари асосида ҳал этилган.

Конституциямизда бозор муносабатларини ривожлантириш, хусусий мулк, тadbirkorликни ҳимоялаш ва бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганини таъминлашга қаратилган механизмлар ҳам янада мустақамланди.

Тахлилларга кўра, тadbirkorларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ низолар кўриб чиқиладиган иқтисодий судлар томонидан ҳозирги кунга қадар 3,5 мингдан ортиқ низо ҳал этишда тўғридан-тўғри конституциявий нормаларга асосланилган.

Умуман, Конституциямиз нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш амалиёти нафақат судлар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки тартиб-қоида билан ишлайдиган барча давлат идоралари учун мажбурийдир. Бу борада судлар ўз амалиёти билан давлат органларида қонунчиликни таъминлашни мақсад қилган.

# 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

## ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ҚОМУСИ

**Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, иқтисодий фанлари доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Бозор муносабатларини ривожлантиришда ҳалол рақобат муҳитининг қарор топиши аҳамиятли ҳисобланади. Барча бизнес субъектлари учун давлат томонидан тенг шароитнинг таъминланиши рақобат муҳитини яратиб, инновацион тараққиётни жадаллаштиради. Мулкдорлар ва инвесторлар учун давлат томонидан қулай бизнес муҳити яратилиши, шубҳасиз, иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилдир.



*ҳар қандай фаолиятни амалга оширишда ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланади*

Шу билан бирга, иқтисодий таъминоти, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги давлат томонидан кафолатланади. Барча мулк шакллари тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Бош қонунимизга киритилган янгиланган нормаларга асосан, мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этади. Мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахслар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкни камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, асосийси, бизнес юриштидаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган қатор ижобий ишларни амалга оширишга киришилди. Жумладан, Президентимизнинг бизнес муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бу эса тадбиркорлик субъектларининг тушуми ва экспорт салоҳиятини оширишга ижобий таъсир қилди.

Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари тарқоқ ва ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг сони 5 мингга яқин. Бу, ўз навбатида, соҳага доир қонунчиликни тақомиллаштириш ва уларни тизимлаштиришни тақозо этади. Мазкур жараён тадбиркорликнинг фундаментал ҳуқуқий устуворлиги аниқ белгилашни қамраб олади.

Шундан келиб чиқиб, 3 йилга яқин вақт давомида Тадбиркорлик кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Уни ишлаб чиқишга маҳалла-дебатлар асосида фаолият юритилиши учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит яратиш функциясини бажаради. Конституциявий ислохотларда иқтисодий йўналишдаги ўзгаришларнинг моҳияти халқнинг давлат бунёд этишининг энг муҳим шарти

қаратилган. Бу, ўз навбатида, иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятни ҳар томонлама мақбуллаштириш орқали инсонлар ҳаётини яхшилаш ва фаровонлигини ошириш, адолатли ва барқарор жамият қуришга интилишни кучайтиради.

Шу боис, Конституцияимизнинг 14-моддаси давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади, деган мазмунда баён этилиб, барқарор ривожланишни таъминлаш давлат фаолиятининг асосий вазифаси сифатида белгиленди.

Бу жамиятни бирлаштирадиган ва мустақимлашадиган, инсонларни умумий мақсад йўлида сафарбар қилувчи, улар ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлашга қаратилган муносабатлар, жамиятни биргаллик ривожлантириш принциплари асосланади. Мазкур принцип жамият ҳаётида тинчлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, дустлик ва ҳамжихатлик туйғусини мустақамлаш, умумхалқ манфаатларини озага чиқариш, пировардида одамлар ўртасида ижтимоий бирдамликни ривожлантиришга хизмат қилади. Ижтимоий бирдамлик жамиятда ҳеч бир инсон орқасида ўз муаммолари билан ёлғиз қолиб кетмаслигини ҳамда инсонлар бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатишига асосланган ривожланишни таъминлайди. Янада соддароқ айтганда, ушбу норма жонажон Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун фуқароларни бирдамлик ва бирлашишга қўллаб-қувватлаш каби азаллий қадриятларимизни янада мустақамлашди.

Ушбу норма киритилишининг зарурати, энг аввало, юртимизда барча соҳаларнинг барқарор ривожланиши таъминлаш ҳамда давлат бюджетини шакллантириш, солиқларни белгилаш, қонунлар ва бош-



қа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда давлатнинг халқ олдидagi вазифаларини етарли даражада бажаришдан иборатдир.

Давлат ўз фаолиятини жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга оширади, деб белгилашда ижтимоий давлат ғояси ўз ифодасини топаётганини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларда аҳоли фаровонлигини ошириш, соғлом турмуш тарзи, сифатли таълим, гендер тенглик, барқарор инфратузилма, хавфсизлик ва экологик барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, бандликни ошириш, тенгсизликни қисқартириш, иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашиш, имкониятлардан фойдаланиш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Шу ўринда тадбиркорлик фаолияти кафолатларини кучайтириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат муҳитига шарт-шароит яратиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, адолатли солиқ тизимини йўлга қўйиш, монополистик фаолиятни чеклаш орқали, том маънода, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш учун барқарор асос яратилганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Мазкур йўналишлардаги ҳуқуқий кафолатлар мамлакатимизнинг янгиланган Конституцияси билан мустақамлаб қўйилди.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, янги таҳрирдаги Конституцияимиз ривожланиш жараёнининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашга баробарида, республиканинг миллий устувор манфаатларини акс эттиради. Бунч биргина иқтисодий соҳага оид киритилган нормалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Белгилаб қўйилдики, Ўзбекистон ҳудудда иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланади. Бу норманинг жорий этилиши



товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва капиталнинг мамлакат бўйлаб ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракатланишига кенг йўл очди. Энг муҳими, бозор иқтисодиётининг асосий принципларидан бири — эркин рақобат муҳитини қарор топтиради. Жаҳон савдо ташкилотининг асосий талабларидан бири ҳам меҳнат ресурслари, товарлар, хизматлар ва капиталнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу норма бу борадаги ютуқларимизни мустақамлаш билан бирга, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, рақобат муҳитини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шароит яратиш асосида миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Иқтисодий соҳасида илгор тажрибага эга давлатлар амалиётида бир мамлакат ичиде ёки ўзаро манфаатдор давлатлар ўртасида савдо муносабатларини ривожлантириш, ишлаб чиқарувчилар ва хусусий бизнес эгаларини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, бозордаги тақчилликнинг олдини олиш, талаб ва тақдир мувозанатини таъминлаш

Мақкур мулк билан уй-жой мулкдорларига нисбатан икки турдаги муҳим конституциявий кафолат белгиланди: суд кафолати ва уй-жой учун компенсация олиш кафолати. Суд кафолати уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши маҳрум этилишига йўл қўйилмаслигини аниқлатади. Бу кафолат уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи мулкдорнинг эрки-хоҳишидан қатъи назар, мажбурий тарзда бекор бўлаётганда қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бундан суд томонидан мулк ҳуқуқининг бекор бўлишига сабаб бўлувчи ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида объектив тарзда кўриб чиқилади. Албатта, мазкур тартиб мулкдор ҳар қандай ҳолатда ҳам асоссиз равишда уй-жойдан маҳрум этилмаслигини кафолатлайди.

Уй-жой учун компенсация олиш кафолати эса мулкдор иқтисодий манфаатлари ҳимоясига йўналтирилгани билан эътиборга молик. Мазкур норма қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорни шу уй-жой ва уни етказилган зарар учун тенг қийматда компенсация олишини кафолатлайди.

Ушбу норма уй-жой мулкдорларини ҳуқуқини кафолатли таъминлаш, уй-жойлар ноқонуний олиб қўйилиши билан бондизм нуқсонли ҳолатларнинг олдини олиш, суд ҳимоясини кенгайтиришга хизмат қилади.

диёт барқарор ўсиши, фаровон ҳаётимиз таянчи ҳисобланган ишбилармонларнинг эркин фаолияти учун мустақам ҳуқуқий кафолатли ўлароқ, тадбиркорларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши, бизнес муҳитини яхшилаш, ички ва ташқи савдо ривожланиши, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали бандликни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш ҳамда мулкдор ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун зарур иқтисодий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Ушбу ҳуқуқлар Конституциянинг 47-моддасида ўз аксини топи: "Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у қўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қоплашиши таъминланади".

Мақкур мулк билан уй-жой мулкдорларига нисбатан икки турдаги муҳим конституциявий кафолат белгиланди: суд кафолати ва уй-жой учун компенсация олиш кафолати. Суд кафолати уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши маҳрум этилишига йўл қўйилмаслигини аниқлатади. Бу кафолат уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи мулкдорнинг эрки-хоҳишидан қатъи назар, мажбурий тарзда бекор бўлаётганда қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бундан суд томонидан мулк ҳуқуқининг бекор бўлишига сабаб бўлувчи ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида объектив тарзда кўриб чиқилади. Албатта, мазкур тартиб мулкдор ҳар қандай ҳолатда ҳам асоссиз равишда уй-жойдан маҳрум этилмаслигини кафолатлайди.

Уй-жой учун компенсация олиш кафолати эса мулкдор иқтисодий манфаатлари ҳимоясига йўналтирилгани билан эътиборга молик. Мазкур норма қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорни шу уй-жой ва уни етказилган зарар учун тенг қийматда компенсация олишини кафолатлайди.

Ушбу норма уй-жой мулкдорларини ҳуқуқини кафолатли таъминлаш, уй-жойлар ноқонуний олиб қўйилиши билан бондизм нуқсонли ҳолатларнинг олдини олиш, суд ҳимоясини кенгайтиришга хизмат қилади.

### Аҳоли фаровонлиги ошяпти

Иқтисодий йўналишда олиб борилган тарихий ислохотлар натижасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2017-2022 йилларда саноат маҳсулотлари 1,4 баробар, қишлоқ ҳўжалиги 1,2 баробар, бозор хизматлари ва қурилиш ишлари 1,9 баробар ошганини кўриш мумкин. Бундай натижага эришишда асосий мақсадлар саноат тармоқларида диверсификация қилиш жараёнини тезлаштириш, юқори технологияли ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш, биринчи навбатда, маҳаллий хомашени чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ стратегик вазифаларни ҳал этишга қаратилди.

Мақсур иқтисодий ёки кичик саноат зоналари, технопарк ва кластерлар шаклидаги қорхоналарнинг ҳудудий бирлашмалари тизими шакллантирилди. Ушбу даврда эркин иқтисодий зоналар 20 тага, кластерлар 506 тага, кичик саноат зоналари 317 тага етди. Улар томонидан яратилган маҳсулотнинг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эркин иқтисодий зоналарда 4,9 фоизни, кластерда 5,2 фоизни ҳамда кичик саноат зоналарида 1,2 фоизни ташкил этди. Натижада саноатнинг ЯИМдаги улуши 21,1 фоиздан 26,7 фоизгача барқарор ўсиши таъминланди.

Экспортнинг ўсишига юқори қўшилган қийматга эга саноат маҳсулотлари ҳажми 169 фоизга ошди, шунингдек, пахта эркин иқтисодий зоналарда 4,9 фоизни, кластерда 5,2 фоизни ҳамда кичик саноат зоналарида 1,2 фоизни ташкил этди. Натижада саноатнинг ЯИМдаги улуши 21,1 фоиздан 26,7 фоизгача барқарор ўсиши таъминланди.

Хомашэ экспорти эса деярли 22 фоиз ёки 732 миллион долларга камайган.

2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,7 фоиз ўсиб, 460 триллион сўмни ташкил этди. Жумладан, тармоқ қорхоналари томонидан 268 триллион сўмлик (ўсиш 5,9 фоиз) ҳамда ҳудудий қорхоналар томонидан 192 триллион сўмлик (ўсиш 5,5 фоиз) маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Тармоқ ўсишига ҳисса қўшган асосий омиллар ҳақида тўхталадиган бўлсак, металлургия тармоғининг жами саноат ўсишидаги ҳиссаси 1,4 фоиз (ўсиш 4,1 фоиз), нефть ва газ тармоғи 0,5 фоиз (ўсиш 12,7 фоиз), тўқимачилик тармоғи 0,8 фоиз бандни (ўсиш 7,1 фоиз) ташкил этди. Бундан ташқари, тармоқ ўсишига озиқ-овқат маҳсулотлари 0,8 фоиз банд (6,9 фоиз), автотранспорт 0,7 фоиз банд (10,1 фоиз), электр ва газ билан таъминлаш тармоғи 0,4 фоиз банд (ўсиш 8,8 фоиз), қурилиш материалларини ишлаб чиқариш 0,3 фоиз банд (12,5 фоиз) билан ҳисса қўшди.

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигида ресурс тежовчи технологияларни қўллаш, тармоқда мулкчиликнинг янги шаклини жорий этиш ва ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилашга қаратилган тизимли чоралар қўрилиши натижасида тармоқ маҳсулот етиштириш йиллик ўртача ўсиш суръати 2017-2022 йилларда 2,5 фоизни ташкил этди. Қишлоқ ҳўжалигида жами 394,3 минг гектар майдон қайта фойдаланишга киритилди, 256,3 минг гектар майдонда сув тежовчи тизимлар ва 146,8 минг гектарда зигилуван қувурлар орқали суғориш жорий этилди. Томчилятиб суғориш ускуна ва жиҳозлари ишлаб чиқаруви 25 та қорхона ташкил этилди. Маҳаллийлаштириш даражаси 60 фоизга етказилди ва бир гектар сув тежовчи ускуналар нархи 5 минг доллардан ўртача 2 минг долларгача пасайди.

Аграр соҳада кластер ва кооперациялар фаолияти ривожлантирилди, 463 та агрокластер фаолиятини самарали йўлга қўйилди. Соҳани рақамлаштириш бўйича қарий 559 минг гектар пахта ва галла майдонлари қонунлар кесимида, экин турлари номи ва бошқа маълумотлари рақамли платформага жойлаштирилиб, он-лайн мониторинг қилиш имкони яратилди. 92,6 минг гектар пахта ва галла майдони деҳқон ҳўжаликлари ташкил этиш учун очик электрон танловларга чиқарилди.

Ислохотлар шароитида аҳоли даромадининг ошшиш, хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллалар кесимида амалга оширилган маъруза чоралар натижасида сўнгги 2 йил ичиде бозор хизматлари ўсиш суръати ўртача 15 фоизни ташкил этди. Қишлоқ ҳўжалигида мулкдорларнинг ерларни хусусийлаштиришга қаратилган ислохот натижасида 1814 гектар ер майдони аукцион савдоларида реализация қилинди.

Келгуси 7 йилдаги асосий мақсад иқтисодий барқарорлигини ҳамда инклюзив ривожланишини таъминлаш ҳисобланади. Шу мақсадга эришишда камбағалликни қисқартиришда кейинги босқич, яъни аҳолининг иқтисодий жиҳатдан ўзига тўқлигини мустақамлаш ва бунинг учун зарур шароит яратишга асосий эътибор қаратилади. Бунга эришиш ва уни амалга оширишда янгиланган Конституцияимиз мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ғоёсийий вазият, глобаллашув жараёнининг фаолашуви ҳамда иқтисодий но-аниқликларга қарамай, мамлакатимиз макрoиқтисодий қўрсаткичларининг барқарор ўсиши таъминланапти. Буларнинг барчаси иқтисодий муаммоларни ҳал этишда тизимли ёндашув йўлга қўйилгани ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга берилаётган эътибор самарасидир. Зеро, инвестициялар ва янги технология чечимлар барча ҳудудларни ривожлантиришнинг муҳим омилдир.



бўлган — ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлашга эришиш ҳисобланади. Шунингдек, унда хусусий мулк дахлсизлиги, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни конституциявий даражага кўтарилганини кўриш мумкин.

Авалло, шунч қайд этиш кераки, Бош қонунимизга "Давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди. Тадбиркорлар қонунчилига мувофиқ

дек, етакчи халқаро ташкилотлар — USAID, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, "Berlin Economics" иқтисодий гуруҳи, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кодекс лойиҳаси тақдим этилиб, ушбу ташкилотлардан экспертиза натижалари бўйича хулоса ва таклифлар олинди.

Конституцияимизда барқарор ривожланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор

КОРРУПЦИЯСИЗ КЕЛАЖАК САРИ

ОРТГА ҚАЙТМАС ТУС ОЛГАН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР

ХАЛҚИМИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ОЧИҚ ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ, ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШГА ЗАМИН БЎЛАДИ



Акmal БУРХОНОВ, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори

Бошланғич 1-бетда

ОЧИҚ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МАЪЛУМОТЛАР РЎЙХАТИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистонда очик маълумотларга ҳуқумат шаффофлигининг муҳим воситаси ва рақамли иқтисодийнинг ривожлантиришига ҳисса қўшадиган омил сифатида катта аҳамият қаратилмоқда...



коррупцияга қарши курашишнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Коррупция иллатига қарши курашда фуқаролар ва жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда ишлаш — энг самарали ва ўзини оқлаган услуб. Бу борада энг нозик ва айна пайтда муҳим масала уларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиши ва кафолатлашдир...

Жаҳоннинг кўплаб барқарор ва тараққий этган мамлакатларида коррупцияга қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг кучли жамоатчилик назорати ҳал қилувчи омилдир...

Ўтган йили агентлик буюртмасига асосан, Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлар учун киймати 500 миллион сўмлик 2 та лойиҳага давлат ижтимоий буюртмаси эълон қилинди...



Янги Ўзбекистон коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқимизнинг бугунги ҳаёти ва келажагига ижобий таъсир кўрсатадиган, ҳар бир инсон ўз ҳаёти мисолида самарасини кўрадиган, ўз навбатида, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини демократик ва прогрессив давлат сифатида яхшилашга имкон берадиган қатъий ва изчил, янги ислоҳотлар йўлидан бормоқда.

Давлат бошқаруви академияси ва агентлик ҳамкорлигида "Коррупцияга қарши курашиш" дарслиги чоп этилди.

Давлат дастурига кўра, бу борадаги ишлар эндиликда тизимли давом эттирилади. Хусусан, давлат органларининг очиклини таъминлашга масъул ходимларини онлайн ўқитишга мўлжалланган "Open data" электрон таълим платформаси ишга туширилади...

"КОРРУПЦИЯСИЗ СОҲА" ЛОЙИҲАСИ САМАРАСИ

Мамлакатимизда капитал қурилиши, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳаларида коррупция хавф-хатарлари, афсуски, ҳамон сақланиб қолмоқда. Шу боис, мазкур соҳаларда "Коррупциясиз соҳа" лойиҳалари амалга оширилмоқда...

Олий таълим соҳасида эса лойиҳа доирасидаги ишлар янада такомиллаштирилди. Жумладан, HEMIS ахборот тизими орқали аноним сўровнома ўтказиш йўли билан олий таълим муассасаларининг ҳар йилги коррупцияга қарши

ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРМОҚДА?

Коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш мақсадида 2017 йилдан коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат

буровчиларнинг ягона онлайн навбати жорий этилиб, доимий аниглаб борилади ва у барча учун очик бўлади.

Шунингдек, фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ўтказиладиган диссертация ҳимояси, ўрта-махсус ва профессионал

порталида эълон қилинган нархлар асосида шакллантирилади.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилгани ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш, шунингдек, харид қи-



таълим муассасалари, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга кириш имтиҳонлари, ҳарбий кафедраларга қабул қилишдаги саралаш танловларини интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатиш тартиби жорий этилади.

Яна бир янгилик: давлат органлари ва ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушаётган маблағлар, масалан, жарима, давлат мулкни ижарага бериш ва сотиш, пулли хизматлардан келиб тушган маблағларнинг

лиш тартиб-таомилларини тўхтатиб туриш ваколатини бериш назарда тутилмоқда.

Давлат хариди жараёнидаги иштироки билан боғлиқ ҳолатда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган, давлат хариди иштирокчиси бўлган юридик шахснинг мансабдор шахслари ёки таъсисчиларини Инсофсиз ижрочилар реестрига кириштириш ҳамда ушбу шахслар бошқарувида ёки бенефициар таъсисчилигида бўлган бошқа юридик шахсларнинг ҳам давлат харидидаги иштирокчини чеклаш тартибини жорий қилиш ҳам муҳим чора-тадбирлардан бири этиб белгиланди.

Шунингдек, эндиликда агентлик томонидан давлат идораларининг ишонч телефонлари фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиб борилади. Яъни янги тизим — "Қайта алоқанинг сирли мижози" тадбирлари доаминда агентлик масъул ходимлари томонидан ишонч телефонлари (Call-markaz) ҳамда расмий веб-сайтларда эълон қилинган телефон рақамларнинг доимий равишда ишчи ҳолатдаги масофавий мониторинг тартибда текширилади. Бу жараёнда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича давлат идораларига тақдимнома киритилади.

Агентлик томонидан "Ҳалоллик вакцинаси" тамойили асосида аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини доимий ошириб бориш амалиёти йўлга қўйилган. Утган давр мобайнида бу борада ўқув дастурлар, дарслик ва қўлланмалар ишлаб чиқилди. "Давлат фуқаролик хизматчилари учун масофавий малака ошириш курси" (ilm.argos.uz) доирасида 50 миңдан ортиқ давлат фуқаролик хизматчиси иштирок этиб, сертификат олиши таъминланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг 698 ходими учун 20 та малака ошириш тадбири ўтказилди.



дастурларини қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Утган давр мобайнида 3 та давлат дастури (2017, 2019, 2021) қабул қилиниб, ижроси таъминланди. Натижанда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ислоҳотларни ягона ёндашув асосида самарали амалга ошириш механизми яратилди. Янги фармон билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023–2024 йилларга мўлжалланган навбатдаги давлат дастури тасдиқланди.

курашиш рейтингини аниқлаш амалиёти жорий этилади. Рейтинг натижалари бўйича салбий кўрсаткич кайд этган олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилади.

Коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги чоралар самарадорлигини оширишда илмий, танқидий ва эксперт салоҳиятини кучайтириш ниҳоятда муҳим. Бугунги кунда айнан коррупцияни


Аммо очиклик соҳасида бундан юқори натижа ва ўзгаришларга эришишни истасак, албатта, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш орқали умумэтирлов этилган стандартлар талабларини бажаришимиз лозим. Шундангина демократия, коррупция, инвестиция, сўз эркинлиги даражаларини белгиловчи қатор нуфузли рейтинг ва индексларда ўз позицияларимизни янада яхшилашимиз.

Шу боис, давлат дастурига "Очиқ ҳуқуқат ҳамкорлиги" халқаро ташкилотига Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши масаласи киритилгани катта аҳамиятга эга. Агентлик томонидан бу борадаги имкониятларни ўраниш ишлари аллақачон бошлаб юборилган: халқаро экспертлар ҳамда мазкур ташкилот мутахассисларига юртимизда мазкур йўналишда амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида маълумот берилиб, музокаралар ўтказиб келинмоқда. Уйлаймankи, очиклини таъминлаш борасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ва маъмурий ислоҳотлар натижаси "Очиқ ҳуқуқат ҳамкорлиги" халқаро ташкилоти томонидан амалдаги асосий мезонларнинг янгиланган натижаларида Ўзбекистон позициясини бир неча баробар яхшилаш имконини беради.

Дастурга кўра, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегия ишлаб чиқилиши ҳам коррупцияга сабаб бўлган омилларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган амалдаги механизмлар самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттиришда катта аҳамиятга эга.

Умуман олганда, янги Ўзбекистон коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқимизнинг бугунги ҳаёти ва келажагига ижобий таъсир кўрсатадиган, ҳар бир инсон ҳаёти мисолида самарасини кўрадиган, ўз навбатида, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини демократик ва прогрессив давлат сифатида яхшилашга имкон берадиган қатъий ва изчил, янги ислоҳотлар йўлидан бормоқда.

Албатта, бу йўлда ҳали кўп ишлар қилиниши кераклигини ва уларни ҳал этиш осон кечмаслиги — катта меҳнат ва узоқ вақт талаб этишини, зиммамиздаги масъулият шунга яраша залворли эканини бугун яхши аниглаб туришимиз. Аммо ҳар қанча мураккаб бўлмасин, олдимизга қўйган ва интилаётган мақсадимиз аниқ — коррупциядан холи жамият барпо этиш. Бу мақсадга эришишда эса коррупциянинг ҳар қандай қуринишларига қарши муросасизлигини кучайтириш, биргаликдаги саъй-ҳаракатларни тўхтатмаслик ва қатъий ислоҳотлардан ортга қайтмаслик энг муҳим вазифа бўлиб қолмаверади.



кида қўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиб борилиши белгиланди. Ҳар ярим йилда эса жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга имкон берган омилларни бартараф этиш борасида қўрилаётган чоралар Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишларида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари биринчи раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилинади.

қайси мақсадларга сарфланаётгани, шунингдек, судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний чиқарилгани учун бекор қилинган қарорлари тўғрисидаги маълумотлар жамоатчиликка очик эълон қилиб борилади. Давлат харидларида товарлар нархларини назорат қилиш механизми такомиллаштирилиб, товарнинг бошланғич нархи давлат харидларининг махсус ахборот

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА БИРДАМЛИК ТАМОЙИЛИ

Янги тахрирдаги Конституция "инсон — жамият — давлат" тамойили негизда инсон кадр-қиммати ҳамда халқ манфаатлари устуворлигига қаратилган нормалар билан бойитилиб, инсон ҳуқуқлари кафолатлари оид нормалар уч баробар кўпайтирилди. Энди инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши белгиланди.



Севара МАХМУДОВА, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари

муҳокама қилиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, тибобёт ва таълим соҳаларидаги муаммолар, мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупцияга қарши кураш масалалари кенг жамоатчилик иштирокида ҳал этиляпти. Давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ва жамоат назорати янги босқичга кўтарилмоқда.

Очик тан олиш керак, узок йиллар давомида ҳорғинда меҳнат қилаётган фуқароларимизга бошқача кўз билан қараш устувор бўлиб келди. Уларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқлари амалда ҳимоя қилинмади. Аини пайтда бу борада аввалги муносабат ва вазият буткул ўзгарди. Давлат томонидан Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини

бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги иштироки кенгайтирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида мутлақо янги тизим амал қиялпти. "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари", "Маҳаллабаи" ва "хонадонбай" ишлаш тизимлари ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Фахрийларимиз, хотин-қизлар, ёшлар, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Конституциямиз куни байрами мамлакатимизда юқори руҳда нишонланмоқда. Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Ёшлар ҳуқуқий билимини оширишда, авваламбор, Конституцияни ўрганиш, унда белгиланган янги моддалар мазмунини аниқлаш, ҳуқуқ ва эркинликларни, бурчларни

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида мутлақо янги тизим амал қиялпти. "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари", "Маҳаллабаи" ва "хонадонбай" ишлаш тизимлари ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Фахрийларимиз, хотин-қизлар, ёшлар, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

чет эпларда ҳам таъминлаш бўйича олиб борилган ишлар юрдошларимизнинг ватанимизга бўлган меҳри ва ишончини оширишга хизмат қилмоқда.

Асосий қонунимизда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади — ижтимоий давлат барпо этиш ўзифодасини топди. Бу, биринчи навбатда, ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойиллари жорий этилишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги имкониятлари яратилишини аниқлатади. Хусусан, янги Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, жамоат

ифодаланган меъёр ва қоидалар моҳиятини тушуниши муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги Конституцияда ҳар ким бепул умумий таълим олиш, илмий ва техникавий ифод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланиши белгилаб қўйилган.

Мақтабгача ва мактаб таълими вазирилик тизимида, барча мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда ҳам ўқувчиларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, ёт ғояларга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Турли кўрик-танловлар, интеллектуал мусобақалар, ҳуқуқий саводхонлик дарсларини ўтказиш, болалар учун ҳуқуқий мавзудаги наشرлар чоп этиш орқали мактабдан ташқари таълимнинг бошлангич бўғиниданоқ болаларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни, оила, жамият ҳамда давлат олдидаги бурч ва мажбуриятларини аниқлашга ҳар томонлама кўмаклашилмоқда.

Мақтабларда ўтказилаётган тадбирлар аниқ мақсадга қаратилган бўлиб, қатъиятли фарзандларимиз сафини кенгайтириш, уларнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаш, пировардида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳисса қўшмоқда. Зеро, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда Конституция ва у асосида яратилган қонунларимизнинг устуворлиги жамият тараққиётини белгилаб берувчи энг муҳим омил ҳисобланади.

Янги тахрирдаги Конституция, юртимиз тараққиёти, фуқароларимиз турмуш тарзини юксалтириш учун хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда "Конституциямиз боғдандан бошлаб олий таълим муассасасига чуқур ўқитилиши керак", деган фикрни алоҳида таъкидлаганди. Ҳақиқатан, Конституциямиз амалда қўлланиши учун, аввало, пухта ўрганилиши керак. Шу боис, олий педагогик таълим жараёнида бўлғуси музыка ўқитувчиларининг конституциявий маданиятини бугунги кун талаблари асосида шакллантириш зарурият ҳисобланади.



Бўлғуси музыка ўқитувчилари конституциявий маданиятининг иккинчи тамойили ижро ва масъулиятдан иборат. Бунга кўра, талабалар Конституция нормалари ижросини ўрганиши ҳамда бу ишни жиддий масъулият сифатида қабул қилиши зарур. Чунки айнан ижро конституциявий норма ва қоида-

КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАДАНИЯТ

бўлғуси музыка ўқитувчисига нега зарур?



Анвар ЛУТФУЛЛАЕВ, Тошкент давлат педагогика университети профессори

Педагогик нуқтаи назардан конституциявий маданият муайян касб эгасининг Конституция бўйича юксак билим, кўникма ва малакага эга бўлишини аниқлатади. Шу боис, бўлғуси музыка ўқитувчиларининг конституциявий маданияти шахс ва ижодкор ҳуқуқ ва эркинликларни, манфаат ҳамда мажбуриятларидан чуқур хабардорликини ифода этади. Музыка санъати ўқитувчилари педагог бўлиш билан бир қаторда, ижодкор шахслар ҳамдир. Ижод эркинлик, ошқоралик ва оқиллик тамойилларига асосланиши билан музыка ўқитувчиларининг касбий малакасида алоҳида ўринга эга. Мазкур омилларнинг барчаси олий педагогик таълим жараёнида бўлғуси музыка ўқитувчиларининг конституциявий маданиятини янгинача идрок этиш ва шакллантиришни талаб қилади.

Эндашувиимизга кўра, бўлғуси музыка ўқитувчилари конституциявий маданиятининг биринчи тамойили ҳуқуқ ва манфаат уйғунлигидир. Унга мувофиқ, соҳа бўйича ўқитган талабалар Бош қонунимизда белгиланган барча ҳуқуқларни етарли даражада ўзлаштириши керак. Конституциявий ҳуқуқлар эркинлик беради. Аини пайтда бу ҳол манфаатлар қўламини идрок этишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан бўлғуси музыка ўқитувчилари конституциявий ҳуқуқларни ўзлаштириш жараёнида шахсий манфаатларни чегарасини ҳам аниқлаш керак. Чунки ҳуқуқ манфаатнинг тартибли бўлишини на-

ларни амалиётга ҳамда ҳаётга татбиқ этишнинг олтин кўпригидир. Бу айнан масъулият кўникмаси воситасида ўзлаштирилади. Шу боис, музыка ўқитувчиларининг конституциявий маданиятида ижро ва масъулият уйғунлиги ҳам энг муҳим асослардан.

Олий педагогик таълим олаётган бўлғуси музыка ўқитувчилари конституциявий маданиятининг учинчи тамойилини ташаббускорлик ва фаоллик ташкил этади. Унга кўра, Конституцияни ўрганиш, тушуниш, тушунтириш ва тарғиб қилиш ишларида музыка ўқитувчилари ташаббускорлик кўникмасига таяниши керак. Бунинг учун соҳа мутахассислари фаоллик малакасига эга бўлиши лозим. Аинан ташаббускорлик ва фаоллик музыка ўқитувчиларининг конституциявий маданиятини даражасини белгилайди. Ташаббусчи мақсадга эришиб бўлмаслиги маълум, бунинг учун эса фаоллик керак.

Музыка ўқитувчиларининг конституциявий маданиятида ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Булар педагогик ва ижодкорлик қонунлари асосида таркиб топган ҳамда конституциявий маданият ҳодисасига нисбатан инновацион ёндашувини тақозо этади. Шу сабабли музыка ўқитувчиларининг конституциявий маданиятида ҳуқуқ ва манфаат, ижро ва масъулият ҳамда ташаббускорлик ҳамда фаоллик сезилиб туриши зарур.

Масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Музыка муаллими ўқувчи ва талабалар истеъдодини рўёбга чиқариш билан бирга, конституциявий маданиятини шакллантиришда ҳам иштирок этади. Мазкур жараёнда улар ёшларга ҳуқуқларни оқилона тушунириши, манфаатларини тўғри аниқлаши, ижро туйғусини мақсадли шакллантириши, масъулият ҳиссини талаб даражасида ривожлантириши, ташаббускорлик туйғусини тарбиялаш ва фаолликка ўргатиши даркор. Бунинг учун бўлғуси музыка ўқитувчиларида имконият кенг. Мисол учун, улар йигит-қизларга ҳуқуқ, манфаат, ижролик, масъулият, ташаббускорлик ва фаолликни ўзига хос кўшиқ ҳамда сценарийли-музыкаий асарлар воситасида, бадиий-эстетик руҳда тушунириши мумкин. Аинан шундай шаклдаги саъй-ҳаракатлар истиқболлиги билан кўнчилигининг эътиборини тортади.

Шу боис, бўлғуси музыка ўқитувчилари учун конституциявий маданият феномени ўзлаштириш касбий ўсиш ва ривожланишнинг муҳим омил бўлиб қолади. Чунки конституциявий маданият ҳуқуқий маданият, эстетик маданият, миллий маданият каби малакаларнинг юксак кўринишидир.



вий маданият каби ҳодисалар даражаси билан баҳолашни эҳтимолдан холи эмас. Оддий мисол: хорижлик ҳамкасбларимиз нега биздан кўра ижтимоий-сиёсий фаол? Чунки улар касбий етуқиликнинг қанотларидан бўлган конституциявий маданиятни таълим жараёнида ниҳоятда чуқур ўзлаштирган.

зарда тутати. Ўз навбатида, тартибли манфаат шахсга эркинлик беради. Бу ҳол шахсий манфаатларни жамият манфаатлари билан уйғунлаштириш лозимлигини кўрсатади ҳамда ҳуқуқ бунга асос бўлади. Демак, бўлажак музыка ўқитувчилари конституциявий маданиятида ҳуқуқ ва манфаат уйғунлигини шакллантириш муҳим ўрин тутати.

НУҚТАИ НАЗАР

ЯНГИЧА ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ

юртимиз тараққиётини белгилаб берувчи муҳим омил

Йўлдош ЖҶРАЕВ, юридик фанлар доктори

Умумхалқ овози билан қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямиз чин маънода мамлакатимизнинг янги ҳуқуқий ҳаётини белгилаб берган олий юридик ҳужжатдир. Унда дунёнинг ривожланган давлатларига хос бўлган "ҳуқуқий давлат", "ижтимоий давлат", "Конституция устуворлиги", "инсон ҳуқуқлари устуворлиги" ва бошқа шу каби сифатлар эътироф этилди.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг яна бир муҳим жиҳати аксарият давлатлар Конституцияларида қўлланган "ҳуқуқий тизим" тушунчаси акс эттирилганидир. Энди Ўзбекистон ҳуқуқий тизимини тушунаш халқаро ҳуқуқ билан конституциявий мақом асосида чамбарчас боғланди, жаҳон андозаларига тўлақонли мослаштирилди ҳамда давлат суверенитети негизларини янада мустаҳкамлади.

Юридик муассасаларини, ҳуқуқий ғоясини, инсонлар ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ва шу қабиларни қамраб олади. Ҳуқуқий тизим орқали мақсадли равишда кишилар ҳулқиға, уларнинг жамоаси ва ташкилотларига таъсир қилинади, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари юридик таъминланади (хизмат кўрсатилади). Мазкур тизим ҳар бир мамлакатнинг, халқнинг ўзига хос ҳуқуқий ривожланишини акс эттиради.

Демак, ҳуқуқий тизим ҳар бир давлатни тавсифловчи энг муҳим мезонлардан биридир. Айтилик, бирор чет давлатга йўллимиз тушадиган бўлса, аввал жойлашган жойи, пойтахти, аҳолисининг миллати, сони ва бошқа шунга ўхшаш маълумотларни билишга ҳаракат қиламиз. Сўнгра уларнинг ҳуқуқий тизимига хос қонунчилиги қизиқиш уйғотади.



Конституцияга кўра, янгиланган ҳуқуқий тизимнинг башарият узра кўз-кўз қилиш мумкин бўлган биринчи ҳақиқати Ўзбекистонда инсоннинг халқаро ҳуқуқ субъекти мақомига эга бўлганидир. Ҳуқуқий ҳаёт, қонунчилик, қолаверса, давлат сиёсати марказида инсон туради. Мустақиллик йилларида инсоннинг ҳуқуқий субъектлиги мустақиллик чегараси билан чекланган. Яъни бундай субъектлик ички қонунчилик доирасида эди. Бу шу маънони аниқлар

эдики, фуқаро Ўзбекистон қонунчилигидан норози бўлса, халқаро органларга ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилиши мумкин бўлмаган.

Янги тахрирдаги Конституциямизда эса ҳар ким Ўзбекистон қонунчилигига ва халқаро шартномаларга мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли экани белгиланган. Демак, энди инсон халқаро ҳуқуқ субъекти. Бу аини ҳақиқатдир. Конституциямизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципи ва нормаларига асосланган ҳам кафолатланади, деб белгилани эса бу тушунчаларни янада кенгайтиради. Бу янги тахрирдаги Конституция тўғрисида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципи ва нормалари билан мувофиқ ҳолатидан амалий реализмга айланганини аниқлатади.

Ҳуқуқий тизим қотиб қолган воқелик эмас. У доимо такомиллашиб, замон талаблари ва замирига мослашиб бораверади. Бироқ унинг бу динамикаси ўз-ўзидан бўлавермайди. Унинг янгилаши ва такомиллаши кўп ҳолларда

эдики, эндиликда бу ўзгариш янги тахрирдаги Конституция ва бошқа стратегик дастурлар қабул қилиниши асосида сиёсий эркинлик қучли вақолати ва қудратини намоён этмоқда.

Янгиланган сиёсий эрк таровати ила Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ҳаётида унинг халқаро имижини ҳаққоний оширишга қаратилган муҳим тарихий ўзгариш содир бўлди. Конституцияда акс эттирилган, бўлғуси ҳужжатларга тааллуқли қўшимчалар айнан шундай ўзгаришнинг асосини ташкил қилади. Унга кўра, эндиликда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципи ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади. У Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципи ва нормаларига нисбатан муносабатини тубдан ўзгартирди. Уларнинг ҳуқуқий ҳаётдаги устуворлиги барҳам топиб, ҳуқуқий тизимнинг бошқа унсурлари билан тенглиги конституциявий асосда белгиланди.

Янги тахрирдаги Конституция халқаро ҳуқуқ нормаларининг ҳуқуқий тизимга киришини белгилаш орқали Ўзбекистон ҳуқуқни қўллаш органлари ва фуқароларининг уларни қўллаш имкониятларини янги босқичга кўтарди. Бу эса ҳуқуқни қўлловчи органларнинг барчасига янгича руҳ бахш этади, уларнинг ҳақиқат ва адолатга эриши борасидаги уринишларига кафолат бўлиб хизмат қилади. Янгиланган ҳуқуқий тушунтириш, ўз навбатида, норма ижодкорлиги фаолият ва сифатида ва самарасини доимий равишда такомиллашиб боришини рағбатлантирувчи омил бўлади.

# “Эй туркий элим, ўзлигингга қайт, ўзингни англа!”

Пойтахтимизда Туркий давлатлар ташкилоти, Туркий давлатлар географик кенгаши, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси ҳамкорлигида “Туркий халқлар тарихида Туркистоннинг ўрни” мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. Унда қатор давлатлардан ташриф буюрган олимлар, олий таълим муассасалари тадқиқотчилари, халқаро ташкилотлар ва эксперт ҳамжамиятлари вакиллари маърузалари билан иштирок этди.

Халқаро анжумандан қўзланган асосий мақсад туркий халқларнинг минг йиллар аввал шаклланган тарихини янада чуқурақ ўрганиш, сиёсий, иқтисодий, маданий, географик ўтмишини талқин қилиш, миллий-маданий ўзлигига

— Туркий давлатлар ташкилоти ўз фаолиятини тобора такомиллаштириб бораётган бир даврда, албатта, чуқур маънога эга. Тили, дини ва юраклари бир-бирига чамбарчас боғланган қардош халқларимиз овози эндиликда дунё

ўтган асрда яшаган жаҳид боболаримизнинг ибратли фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш юзасидан аъзо мамлакатларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу маънода, мазкур конференцияда илғари сурилган илмий-амалий лойиҳалар ва муҳим мавзулар келгусидаги ҳамкорлигимиз, бирдамлигимиз учун асос бўлади, деган умиддаман.

Халқаро конференция “Туркистонда сиёсат ва бошқарув”, “Туркий давлатчилик анъаналарининг асослари”, “Туркистонда илм-фан ва маданият ёхуд Урта аср классик ислом маданияти тимсолида Мовароуннахр”, “Туркистоннинг меъморий обидалари ва санъати”, “Туркистоннинг туркий ва минтақа халқлари ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти”, “Туркистон ва туркий дунё” каби йўналишларда фаолият юртиди.

— 2008 йилда Туркий давлатлар кенгаши тузилди. Афсуски, бошида биз, туркийлар бир-биримиздан ҳайқидик, бир-биримиздан чўчидик, — деди Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Шерзодхон Қудратхужа. — Пантуркизм деган гаплар айтилди. Пантуркизмдан ўзимиз — туркийлар қўрқдик. Лекин бу иборани бошқалар ўйлаб топганидан ва у биз учун атайин қилинганди. Шўкри, бугун биз Учинчи Ўйғонш даври остонасидамиз. Аини пайтадаги барча тадоригимиз ўз-ўзимизни англаш ва бирилашиш истаги экани энг катта бахтимиз ва имкониятимиздир!

Илмий анжуманнинг биринчи кунинда Истанбул университети ўқитувчиси, тарих фанлари доктори Али Аҳметбейўғлиннинг “Туркларда давлат тушунчаси шаклланишида Туркистоннинг аҳамияти” ҳамда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Аблат Хўжаевнинг “Турклар VI асрда Олтойда пайдо бўлган деган қарашга янгича ёндашув” маърузалари баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

— Хитой манбаларида келтирилган маълумотлар тўғрисида турклар тарихининг узоқ ўтмишга оид айрим саҳифалари ёритилган, — дейди Аблат Хўжаев. — Албатта, бу билан хитой манбалари туркий халқлар тарихининг барча қирраларини очиб бера олади, деб бўлмайди. Хитойлар ўзлари билиши лозим бўлган масалаларга, айниқса, туркларнинг кучли ва заиф томонларига эътибор қаратган. Ушбу маълумотлар асосида айтганда, хозирги хитой, яъни хань халқи аجدодлари шарқий турклар (илк турк, прототурк) билан бундан 4 минг йил илгари дуч келган. Шунда хитойлар (шя, хан) ушбу туркларни “Ғарбий замин одамлари” деб атаган. Бу одамлар ким эди, деган савол очик қолмоқда.

## Ўзингни англа!



QR-KOD ORҚАЛИ ВИДЕОГА УЎТИНГ.



Маъруза юзасидан фикр билдирган олимлар тадқиқотчи янги манбалардан фойдалангани ва ўзига хос хулосалари билан илмий давра эътиборини қозона олганини таъкидлади.

Иккинчи кундаги муҳокама ҳам ўзига хос янгиликлар ва мулоҳазаларга тўла бўлди. Унда “Турк дунёсининг келажиги учун инсон капитали, инновациялар ва иқтисодий ўсиш ўртасидиги алоқа”, “Миллий Туркистон мажмуаси библиографияси”, “Жадидаларнинг Туркистон овозлиги учун курашдаги ўрни” мавзулари атрафидаги давра суҳбатлари ниҳоятда қизғин кечди.

— Туркистонда шўроларга қарши Туркистон мухторияти ҳукумати қўшннига дастлаб Кичик Эргаш бош бўлди, — дейди Қатағон қурбонлари хотираси музейи катта илмий ходими Баҳром Ирзаев. — У 1918 йил 19-21 февралда Қўқон шаҳрида бўлган жанг натижасида мағлубиятга учраб, Бақир қишлоғига чекинди. 26 февралда Бақирга қизил гвардиячилар ва арман дашноқлари ҳужум қилади. 27 февралда бўлган жангларда Кичик Эргаш ҳалок бўлган, Катта Эргаш Фарғона водийсида беш-шекарларнинг мустанлақчилик тартибига қарши кураш бошлайди. Тез орада ҳаракат бутун Фарғона водийси ҳудудларига тарқалади. Шу ўринда Рауф Яқубийнинг мухториятининг 10 йиллиги муносабати билан 1927 йил “Ер юзи” журналида босилган “Қўқон Мухторияти ва Эргаш” мақолаидаги мана бу сўзларини келтириб ўтмоқчиман: “1917 йил декабрь ойининг охири кунлари. Қўқон Эски шаҳри кўчаларида, жомеида, бозор ва майдонларида тўп-тўп оломон. Мухторият ҳукумати, Шўро ислом, Эргаш қўрбони... Замон-замон Шўро исломники...”

Конференцияда тилга олинган барча мавзулар туркий халқлар тарихи ва бугуни қанчалар бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканини яна бир бор исботлади. Анжуман аянгида қардошларимизнинг бир-бирлари айтган сўзларидан бизнинг-да қалбимизга ёруғлик инди: “Бугун дунёнинг туркларга бирлашган. Туркийлар ўзликни англаши, тарихини билиши эса улкан муваффақиятларнинг бошла-нишидир!”

**Мухтасар ТОЖИМАТОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

таяниб, муштарак тарихини, бирлик ва қардошлик гоёсига хизмат қиладиган манбаларни яратиб ва келажак авлод учун етказиб беришдан иборат.

Конференция дебосчасида барча иштирокчилар саҳнага миллий либосларда кириб келган ёшлар билан биргаликда жўр бўлиб ўзбек жаҳид шоири Чўлпон шеърига басталанган “Ўзал Туркистон” қўшиғини куйлади. Қўшиқни тинлар эканмиз, буюқ аждодимиз — қадимий турк давлати асосчиларидан бири Билга Хоконнинг даъвати яна бир бор ёдимизга тушди: “Эй туркий элим, ўзлигингга қайт, ўзингни англа — янада юксалгайсан!”

Президентимиз маърузаларидан бирида таъкидлаганидек, ушбу ибратли сўзлар бугунги шиддатли замонда

бўйлаб янада баланд, янада кучлироқ янграмоқда.

— Туркий давлатлар ташкилоти ҳозирги кунда шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро институтлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бораётгани қувонарлидир, — деди анжуманнинг очилиш маросимида Туркий давлатлар географик кенгаши бош котиби Ойбек Норинбоев. — 160 миллион аҳолини қамраб олган ташкилотимиз ҳудуди катта сиёсий, иқтисодий ва илмий-маданий имкониятлар макони ҳамдир. Айниқса, Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юздан ортиқ турли тадбир ўтказилиб, муҳим лойиҳалар тақдим этилаётгани эътиборга молик. Таъкидлаш ўринлики,

## СИРОЖИДДИН СИДҚИЙ ХАНДАҚЛИҚИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 140 ЙИЛЛИГИГА

# УЛУҒЛАРНИНГ УМРИ АБАДИЙ...

**Асад АСИЛ,  
ёзувчи**

## (БИР КИТОБ ТАРИХИ)

Умринг ўтар, ҳеч шубҳасиз, бил,  
Нари борса, яшарсан юз йил,  
Тилинг бирла дилингни бир қил,  
Ўз-ўзингни алдашдан тийил.



Умр шунчалар тез ўтишини ёшлик давримизда унчалик сезмас эканмиз. Кўз очиб юмгунча саксондан ошиб кетибмиз-а! Ҳаётимизнинг елдек ва селдек кечганини-ку қўйверинг, қилган илтимизимдан кўнглимиз тўладими? Асосий гап мана шунда.

Таваллудига 140 йил тўлаётган серкирра ва севишли адибимиз Сидқий Хандақлиқий синов учун яратилган оламда ҳақиқий маънода, аввало, ўзига талабчанлик билан яшади. Унинг болалик ва ўспиринлик йилларидаги ҳайратомуз изланишлари, ажойиб ва ғаройиб топилмалари фикримизга яққол далилдир. Биргина мисол, у ясаган ўзи учар аппарат. Бу учар мосламани кузатган ҳамқишлоқлари ҳайрат билан ёқасини ушлаб қолар эди. Энг муҳими, у топқирдик, адолат, талабчанлик борасида нафақат тенгдошлари, балки ўзидан анча улугларни ҳам қойил қолдирарди.

Сирожиддин Маҳдум Мирзохид ўғли — Сидқий Хандақлиқийнинг серкирра ижоди эндиғина йигирма ёшга тўлган чоғларидеяк ҳамқишлоқларидан ташқари Тошканд тарафлардаги


ижодкорларга ҳам маълум бўла бошлаган эди. У дастлабки пишиқ пойдевор — илмин падалири бузруқвори Мирзохид Охунд домладан олган.

Сидқий тўғилган ҳар томонлама қулай ва тўқис макон — Бўстонлик туманининг кунботар қисмида, Қозғистонга чегарадош қишлоқ тарихи икки минг йилдан зиёд эканини тарихчилар, олимлар ва бошқа зиёлилар аниқ далиллар асосида исботлаган. Хондақлиқидан ундан ортиқ қадимий қадамжони изчил ўрганган инсонлар бунга қайта-қайта таъкидлайди. Икки минг йиллик бобочинорлар ва унга

тенгдош Қўргонтела каби масканлар бунинг исботидир. Қишлоқ марказида жойлашган Қўргонтела аслади хандақликларнинг ўз қўллари билан барпо этган туб макони бўлган. Ота-боболари ҳар томонлама илму зиёли бўлган Мирзохид Охунд сингари олим ва фозилларнинг далилий ашёлар асосида гувоҳлик беришча, Қўргонтела икки минг йилдан зиёд вақт давомида Хондақлиқ эмас, асладида Хандақлик деб номланган. Чунки давлатнинг тайинли ҳимояси эга бўлмаган бу маконда яшаганлар ёшлардан сақланиш учун ўзларига хандақ казиб олган. Унинг қаердан ва қанча масофадан чиққани номаълум. Қўргонтела ҳамда хандақни сиқичлаб қузатган олимлар сафидаги Сервер Аширов ун етти ярим метри масофага тушган, хандақ ўпирилгани сабаб охиригача текшира олмаган. Демак, Хандақлик деган ном аниқ-тиниқ шў асосда турилган.

Таваллудига 140 йил тўлаётган серкирра адиб Сирожиддин Сидқийнинг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэмалар бўлимида сақланаётган Хандақлик тарихи қўлэмаси ҳам бунинг исботлаиди. Шу каби далилий исботларга таяниб, “Сироғим, мен Сидқийман, Хандақлиқийман” тарихий асарини чоп эттирганман.

Сирожиддин Сидқий Хандақлиқий ҳаёти ва ижодини ўрганишга олтиминчинчи



йилларда киришганман. Шу нурли йўл мени Урта Осиёда ўша даврда маълум ва машҳур бўлган “Шарқ юлдузи” журналига олиб борган. Ижодий фаолиятимни бирма-бир санаб ўтишга ҳожат йўқ. Чунки иман, Хандақлиқийман” тарихий асарини чоп эттирганман.

Сирожиддин Сидқий Хандақлиқий ҳаёти ва ижодини ўрганишга олтиминчинчи йилларда киришганман. Шу нурли йўл мени Урта Осиёда ўша даврда маълум ва машҳур бўлган “Шарқ юлдузи” журналига олиб борган. Ижодий фаолиятимни бирма-бир санаб ўтишга ҳожат йўқ. Чунки иман, Хандақлиқийман” тарихий асарини чоп эттирганман.

биргаликда иш олиб борарди. Адиб таваллудининг юз йиллигига мени ҳам тақдир эттишти. Сирожиддин Сидқийни қўрган, таниган билган кексалар, Шарқшунослик институти сингари улўғ даргоҳлардаги соҳа билимдонлари билан қизгин суҳбатлашиб, қўп нарсани ўрганган эдим.

Адиб таваллудининг 100 йиллигига имкон қадар маълумотлар тўплади, уларни бир китоб ҳолатига келтирдик, Фафур Фулом нашриётга топшириш учун Бегали Қосимовга тақдим этдик. Сидқийнинг таваллуд йили ўтиб боради, аммо бирор натижадан дарак йўқ эди. Ниҳоят, кунларнинг бирида Бегали Қосимов “Шарқ юлдузи” журнали биносига — ёнимга кириб келди.

— Китоб чикмайдиган бўлди, — деди у хорғин овозда. — Бирор йил олдин нашриёт навбатига ёздиришимиз керак экан.

Қўлэмани менга топшириб, ҳафсаласизлик билан чиқиб кетди. Матбуот соҳасида анча йилдан бўён ишлаётганим учун ҳақиқий аҳволдан хабарим бор эди. Қўлэмани қўлтиқлаб, Марказқўм идорасига етиб бордим. Маданият бўлими мудири А.Тўраев дарҳол қабул қилди. Унга ҳақиқий вазиятни тушунтирдим. Мурид Сирожиддин Сидқий ҳақида батафсил маълумотга эга экан. Телефон орқали Жуманиёв Жаборов билан боғланди.

— Узи йўқнинг кўзи йўқми, Жуманиёв ака? — деди Тўраев. — Ҳақиқий аҳвол бизга маълум-ку!

Хуллас, Навоий-30 манзилида жойлашган нашриётга тезда етиб бордим.

ҒАЗАТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА Ўқиш учун МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚилинГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
**Салим Дониёров**

Таҳририятта келган қўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида сақлаланди.  
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
**Нашир индекси — 236. Буюртма Г-1246.**  
43301 нусхада босилди.  
**Ҳажми — 3 табоқ.** Офсет усуллада босилган. **Қоғоз бичими А2.**  
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева  
Муасхих: Аслиддин Абдурақов  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй